



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 27 июль, № 156 (7936)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни маданият, тиббиёт, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилишига оид лойиҳалар тақдими билан танишди.

Авал хабар берилганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида замонавий кутубхона барпо этилиши режалаштирилган. Унинг дастлабки тархи бир ой аввал тақдимот қилинган, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг тавсиялари асосида такомиллаштирилган.

Масалан, кутубхона биносининг ташқи кўриниши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда лойиҳалаштирилган. Улкан китоб фондиди сақлаш, мутолаа, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Тақдимотда кутубхона лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига онкология ва гематология шифохоналарини ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, шу йил 27 май куни "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун янги иншоот қуриш белгиланган.

Шу мақсадда Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Хорижий тиббиёт муассасаларининг илгор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилган. Хусусан, бу борада Корея Республикасининг "Daedong Medical Consulting" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 50 дан ортиқ консалтинг корхоналарини ўз ичига олган ушбу компания Жанубий Корея ва хорижий мамлакатларда 600 дан ортиқ муассасалар қурилишида иштирок этган.

Президентимиз қарори асосида гематологияни ривожлантириш борасида ҳам сифат ўзгаришлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси алоҳида марказ сифатида ажратилиб, келгуси йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан мустақил тарзда фаолият юритади. Бу икки марказ Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги қурилган замонавий биноларга жойлаштиради.

Тақдимотда ушбу марказларни янги биноларга кўчириш бўйича олиб борилаётган ишлар қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда ҳар иккала марказдаги барча хоналар зарур ускуна ва мебель билан жиҳозланган. Ҳар бир ўрин кислород нўқталари билан таъминланган. Кунлик 100 қатновга мўлжалланган амбулатор поликлиника ва стационар бўлимлар ташкил этилган. Оптик толали интернет асосида ишловчи электрон шифохона дастури жорий этилмоқда.

Шунингдек, бу ерда бактериологик, вирусологик лабораториялар ва виварий учун бинолар қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги Фармонида мувофиқ, "Термиз" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида Термиз халқаро савдо маркази ташкил этилмоқда. Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташириш чоғида унинг бош режасини кўздан кечирган эди.

Умумий қиймати 75 миллион доллар бўлган ушбу марказ улкан ва кўп тармоқли бўлади. У ерда 1 минг 800 та савдо нуқтаси, қарийб 1 миллион тонна юк сифимиға эга логистика маркази ва омборхоналар, 1 минг 600 квадрат метрлик экспомарказ, шунингдек, иккита меҳмонхона, хостел, шифохона, автомобиль устаноналари ва бошқа объектлар барпо этилади.

Марказ учун Термиз туманидан 26 гектар майдон ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Корпусларнинг биринчи қаватида савдо нуқталари, иккинчи қаватида енгил ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Халқаро савдо марказида махсус солиқ ва божхона режими, 10 кунгача визасиз тартиб, "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Натijaда ишлаб чиқариш ҳам, савдо ҳам ривожланади. Марказнинг йиллик савдо айланмаси 500 миллион доллар, экспорт қуввати 200 миллион доллар бўлиши мўлжалланган. Бу ерда жами 5 минг 600 дан зиёд иш ўринлари яратилиши мумкин.

Тадбирда Тошкент шаҳрида давлат объектларидан самарали фойдаланиш, Наманган вилоятида йўл бўйларида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш борасидаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.



ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ — ОЛИМПИА ЯЎИИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ!

Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилаётган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида таэквондочимиз, мустақиллик йилларида туғилди вояга етган, ўз иқтидор, салоҳияти билан миллионлаб қабиблири забт этган Улуғбек Рашитов олтин медални кўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига ажойиб туҳфа ҳозирлади. Унинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Ёш спортчимизнинг мазкур муваффақияти халқимизга олам-олам кувонч бағишлади. Ўзро давралардаги суҳбатларда ҳам юртдошларимиз бир-бирларини улкан ютук билан қутлар экан, натижалар тасодифий эмаслигини, пандемия билан боғлиқ мураккаб вазиятга қарамаздан, спортчиларимизнинг ну-

фузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўриши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, умуман, юртимизда ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намойён этиши, маҳоратини муттасил ошириб боришига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик самарасида халқро майдонларда Ватанимиз шон-шухрати-

ни улуғлашга қодир ўғил-қизлар етишиб чиқаётганини таъкидламоқда.

Хусусан, 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Мил-

лий олимпия кўмитасининг бу бўйича ишлаб чиққан стратегияси асосида ҳар бир спортчининг тайёргарлигига индивидуал ёндашилди.

Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича Республика комиссияси қарорига мувофиқ, Олимпияда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритган ҳар бир спортчиға 100 миллион сўм, унинг мураббийсига эса 50 миллион сўмдан бир марталик рағбатлантириш пули берилиши белгиланди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисини 2021 йил 30 июль куни чақириб тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилган. "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги, "Лицензиялаш, ружсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисида"ги халқро битимиға (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқро конференция (Тошкент,

2021 йил 15-16 июль) якунларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг кесилишига доир ахборотлари эшитилиши режалаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА КўРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуриға мувофиқ ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолиға яқинлаштириш, шошилич тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг фаол меҳнат қобилиятини тиклашға имконият яратиш, болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) 1-иловаға мувофиқ босқичма-босқич ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

"олтин соат" тамойили асосида қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон-томир касалликлари билан тиббий ёрдамға муҳтож беморларға шошилич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ўткир ва сурунқали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларға гемодиализ хизматини кўрсатиш;

Марказларға бириктирилган туман (шаҳар)лар аҳолисига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда тиббий хизмат кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Марказларға: ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, шошилич тиббий ёрдам ва умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўринлар ажратилади;

ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасалари штат бирликлари доирасида қўшимча нейрохирург, невролог, кардиолог, анестезиолог-реаниматолог ва бошқа штатлар киритилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари фаолиятини молиялаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади.

Марказларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).



Қонунчилик палатаси фракцияларида

Давлат дастури ижроси: қайси бандлар депутатлар эътирозига сабаб бўлмоқда?

ЎзЛиДеП аъзолари Ҳукумат ҳисоботини қандай баҳолади?

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилға мўлжалланган Давлат дастурининг биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди. Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтирилишича, ўтган давр мубайнада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалға оширилган.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июндаги тегишли қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида қўшимча равишда 28 та касб-хунарға ўқитиш маркази, 864 та фуқаролар йиғинида маҳалла аҳолисини касб-хунарға ўқитиш масканлари, вазирлик ва идоралар тизимида бўлган 18 та профессионал таълим муассасасида вазирлиқнинг қисқа муддатли



касб-хунарға, хорижий тилларға ва тадбиркорлик кўникмалариға ўқитиш курслари ташкил этилиши белгиланган.

Йиғилишда фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Давлат дастурининг иқтисодий ривожлантириш борасида амалға оширилган ишлар, эришилган натижаларға алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлар тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришға қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли экспорт йўналишида республика бўйича экспорт ҳажми 7 миллиард 55 миллион долларға ёки ўтган йилнинг мос давридагиға нисбатан ўсish суруьати 112,3 фоизға етганини ижобий баҳолади.

Шунинг боробарида, фракция аъзолари ҳисобот юзасидан таҳлилий-танқидий саволлар берди. Хусусан, Давлат хизматлари агентлигини тўлиқ электрон тизимға ўтказиш бўйича мавжуд камчиликларға оид саволлар ўртаға ташланди ва 2021 йил якунида қадар бу ишларни тўлиқ амалға ошириш кўзда тутилгани мазмунида жавоб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББІЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда).

4. Туманларо қўшма шикастлинишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров) Молия вазирлиги (Ж.Абдуев) билан биргаликда Марказларнинг ташкил этилиши муносабати билан талаб этиладиган қўшимча шарт бirlиқларни ҳамда уларга зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препаратлари билан бепул таъминлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2021 — 2023 йилларда болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш чора-тадбирлари дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНЯПТИ

Инсон ўзини қачон бахтиёр ҳис этади? Албатта, бунинг турли мезонлари бор, улар орасида ҳар қимнинг ўз иш жойига эгалиги, бандлиги муҳим оиласи ҳисобланади.

Муносабат

Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, шунингдек, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар бандлигига эришиши, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар бажарилаётгани, бунинг самарасини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

ражада эмасди. Охириги йилларда олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар тўғрисида бу борада ҳам салмоқли натижаларга эришдик, десак, муболоға бўлмайди.
Бу ҳақда кенгрок тасаввурга эга бўлиш учун қилган ишларни кўз олдимиздан ўтказиш керак. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ишлаш учун мамлакат ташқарига чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Президентининг 2018 йил 5 мартдаги қарори қабул қилинди.

нат муносабатлари вазирлиги ҳузуридида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси тuzилди.
Шу ўринда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларга гамҳўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қафолатларини кучайтиришда Президентининг 2019 йил 20 августдаги Фармони муҳим аҳамият касб этаётганлигини айтиш зарур. Унга асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан тuzилган Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти айти чогда самарали фаолият олиб бормоқда.

ликasi парламент делегациясининг Россия Федерациясига расмий таширфи доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси В. Матвиенко билан учрашиб, парламентларо алоқалар ба-рорбариди, меҳнат миграцияси масаласини ҳам муҳокама қилди. Учрашувда таъкидланганидек, Меҳнат миграцияси масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум тайёрланиши ва тасдиқланиши бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси бўлди.
Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеяси 52-япги мажлисида В. Матвиенко айнан шунга ургу бериб, мазкур таширфи довомида Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан имзоланган икки мамлакат парламентлари қориси палаталари ўртасида Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум МДҲ Панинг бошқа шитирокичи давлатлари учун ҳам яхши намуна ҳисобланишини таъкидлади. Жумладан, “Ушбу ҳужжат намунали ҳужжатдир ва мен бошқа мамлакатларни ҳам шунга қорлайман”, деди у.
Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз учун барча шарт-шароитни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зотан, ҳат элларда ишлаётган ҳар бир юртдошимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Қолаверса, Боёвўт, Қарши, Бўстон, Тўрақўрган, Олот туманлари ҳамда Каттақўрган шаҳрини иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доира-сида белгиланган чора-тадбирлар ижроси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг айрим қарорларини ўрганиш натижалари, қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқий қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари тўғрисидаги ма-салалар кўриб чиқилиши мақсад қилинган.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг на-мунавий регламентини ва халқ депутатларининг унинг режими жорий этиш, Сенатнинг Халқро муносабат-лари, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм ма-салалари қўмитасининг 2020 йлда-ги ва 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидида фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва бошқа масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЭНДИ ЎРИНБОСАРЛАР ФАОЛИЯТИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

Мамлакатимизда вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда жавобгарлик масалаларини аниқ белгилаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилаяпти.

Фикр

Аммо тан олиш керак, бир қатор тармоқлар ва ҳудудларда жиддий кам-чиликлар, тизимли муаммолар мавжуд. Президентимизнинг яқинда қабул қилган “Вазирликлар, давлат қўми-талари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифа-ларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳ-камасининг қарори билан тасдиқ-ланади. Ҳар йили июр интимоизи-нинг аҳоли юзасидан баҳо бериши-ни назарда тутиган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолияти кўрсаткичла-ри давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг колле-гиал органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

иборатки, мазкур қарор асосида давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолиятини ба-ҳолаш тизими жорий этилади. Давлат бошқаруви органлари ва давлат улу-ши 50 фоиздан оқори бўлган ҳўжа-лик бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифа-ларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳ-камасининг қарори билан тасдиқ-ланади. Ҳар йили июр интимоизи-нинг аҳоли юзасидан баҳо бериши-ни назарда тутиган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолияти кўрсаткичла-ри давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг колле-гиал органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат дастури ижроси: қайси бандлар депутатлар эътирозига сабаб бўлмоқда?

“1 миллион дастурчи” лойиҳаси юзасидан ишлар қачон амалга оширилади? деган саволга “2030 йилгача бўлган муддатда” дея жа-воб берилди. Маълумотларга кўра айни вақтда 445 минг лойиҳа тақлифи киритил-ган бўлиб, шундан 241 мингга дастурчиға сертификат берилган.

Вазифалар белгиланди, аммо... Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги “Адолат” СДП фракциясининг навбат-даги йилги мажлисида фракция аъзолари Ва-зирлар Маҳкамасининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини му-стаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи ярим йиллигида бажарилишининг бориши тўғрисида” ги ҳисоботини атрафлича му-ҳокама қилиб, Ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлари кўриб чиқди.

ромад манбаи билан таъмин-лаш ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича вазифалар белгилан-ган. Фракция аъзолари ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш бўйича эришилган аниқ нати-жалар билан қизиқди. Таъкид-ланишича, меҳнат органлари йўлланмалари асосида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 72,7 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро касб-хўнарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга жалб этилган.

ёшларни қўллаб-қувватлаш зарур Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ҳам навбатдаги йилги мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари Давлат дастурининг партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соҳа, жумладан, мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим соҳасида белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратади.

Фракция аъзолари, шунингдек, Мактаб-гача таълим вазирлиги Халқ таълими ва-зирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 ав-густга қадар болаларни бошланғич таъ-лимга мажбурли бепул бир йиллик тайёр-лаш ҳамда бошланғич таълим ўқув дав-турларининг ўзаро узвийлигини таъмин-лаш чораларини кўриш белгиланган бўл-са-да, жойларда бу борадаги ишлар қони-қарли ташкил этилмаганини танқид ости-га олди. Ҳукумат вакиллари ҳар иккала масала бўйича муносабатини билдириб, ижросини ўз назоратиға олишини ўқтирди.

Таъкидланганидек, “Адолат” СДПнинг сайлововоди дастурида олий таълим муас-сасаларига квоталарни ошириш назарда тутилган. Президентимизнинг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзе-бекистон Республикасининг олий таълим му-ассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бюортмаси параметрлари тўғри-сида” ги қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассаса-ларига ажратиладиган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини камида 25 фоизга ошириш, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробар кўпайтириб, 2 мингтага етказиш чора-тад-бирлари белгиланган. Аммо бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳисоб-ботда кўрсатиб ўтилмаганини жиддий эъти-роزلарга сабаб бўлди.

Вазифалар белгиланди, аммо... Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ҳам навбатдаги йилги мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари Давлат дастурининг партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соҳа, жумладан, мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим соҳасида белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратади.

Таъкидланганидек, “Адолат” СДПнинг сайлововоди дастурида олий таълим муас-сасаларига квоталарни ошириш назарда тутилган. Президентимизнинг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзе-бекистон Республикасининг олий таълим му-ассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бюортмаси параметрлари тўғри-сида” ги қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассаса-ларига ажратиладиган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини камида 25 фоизга ошириш, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробар кўпайтириб, 2 мингтага етказиш чора-тад-бирлари белгиланган. Аммо бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳисоб-ботда кўрсатиб ўтилмаганини жиддий эъти-роزلарга сабаб бўлди.

Вазифалар белгиланди, аммо... Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ҳам навбатдаги йилги мажлиси бўлиб ўтди.

Вазифалар белгиланди, аммо... Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ҳам навбатдаги йилги мажлиси бўлиб ўтди.

Муаммолар давомида дастур ижроси-нинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши бо-расида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама қилиниб, бу борадаги ишларни келгусида ҳам давом эттириш бўйича зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

ПРОФЕССОР
ЎКТАМ ПАРДАЕВИЧ
УМУРЗОҚОВ



Ўзбекистон олий таълим тизими оғир жудолукка учради. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, таниқли олим ва педагог, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Уктам Пардаевич Умурзоқов шу йил 26 июль кун 68 ёшида вафот этди.

У. Умурзоқов 1952 йили Сирдарё вилоятида туғилди. Урта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида тахсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1974 йили мақзуру олийгоҳда кичик илмий ходим лавозимидан бошлаб, умрининг охиригача қадар ушбу таълим даргоҳида лаборатория мудири, факультет декани, проректор, ректор маслаҳатчиси ва ректор каби масъул вазифаларда самарали иш олиб борди.

Жонқуяр олим ва педагог қайси лавозимда ишлагани, доимо сидқидилдан меҳнат қилиб, бугун онгли ҳаётини мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, миллий иқтисодиётимиз учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, илмий тадқиқот ишлари самарасини оширишдек эзгу максادلга бағишлади.

Айниқса, кейинги йилларда Республика олий таълим кенгаши раиси сифатида юртимизда олий таълим тизимида олиб борилган туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиб, соҳага замонавий талаб ва мезонлар, илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш борасида жонбозлиги кўрсатиб, ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилди.

Мохир ташкилотчи раҳбар У. Умурзоқовнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мамлакатимиздаги етакчи олийгоҳлардан бири сифатидаги ўрни ва маъқени қайта тиклаб, халқаро майдонда ҳам обрў-эътибор қозонди.

Таниқли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш ва ўқув кўрсатмалари, илмий монография, патент ҳамда методик қўлланмалар яратди. Ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози сифатида ўнлаб фан докторлари ва номзодларига илмий раҳбарлик қилди.

У. Умурзоқов мамлакатимиз илмий ва педагогик жамоатчилиги ўртасида кўзга кўринган йирик олим, тажрибали раҳбар ва доғирман устоз сифатида катта ҳурмат ва эътибор қозонган эди.

Ўзининг сермазмун ҳаёти ва ибратли фаолиятини ёш авлодимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишга бағишлаган заҳматқаш олим, тажрибали педагог, самимий ва камтарин инсон Уктам Умурзоқовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Дўстлари ва ҳамкасблари номидан.

ЭЪЛОНЛАР

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИНГ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАРНИ ВА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМА ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АГЕНТЛИГИ

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, 2-босқич" доирасида ўтказилаётган Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 156 та туман ирригация бўлими учун компьютер ва офис ускуналарини етказиб бериш юзасидан



ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда компьютер ва офис ускуналарини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиши мумкин. Танлов савдолари Швейцария Конфедерациясининг харид тартиб-қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Танлов тўлиқ ҳужжатлар тўпламини www.simap.ch платформасидан «Running procedures» (Амалдаги тартиблар), «Confederation» (Конфедерация), «Invitations to tender» (Тендерга таклифномалар) бўлимида остида юклаб олиш мумкин. Бунинг учун иштирокчи www.simap.ch платформасида рўйхатдан ўтиши ва платформанинг курсатмаларига амал қилиши керак.

Танловда қатнашиш таклифлари солинган ва муҳрланган конвертлар 2021 йил 6 сентябрь кун 18:00 гача танлов ҳужжатларида қайд қилинган манзилга тақдим этилиши шарт.

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИНГ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАРНИ ВА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМА ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АГЕНТЛИГИ

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, 2-босқич" доирасида ўтказилаётган Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг 156 та туман ирригация бўлими ва 13 намойиш участкаси учун мақсусларни етказиб бериш юзасидан



ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда мақсусларни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиши мумкин.

Танлов савдолари Швейцария Конфедерациясининг харид тартиб-қоидаларига мувофиқ ўтказилади. Танлов тўлиқ ҳужжатлар тўпламини www.simap.ch платформасидан «Running procedures» (Амалдаги тартиблар), «Confederation» (Конфедерация), «Invitations to tender» (Тендерга таклифномалар) бўлимида остида юклаб олиш мумкин. Бунинг учун иштирокчи www.simap.ch платформасида рўйхатдан ўтиши ва платформанинг курсатмаларига амал қилиши керак.

Танловда қатнашиш таклифлари 2021 йил 6 сентябрь кун 18:00 гача танлов ҳужжатларида қайд қилинган манзилга тақдим этилиши шарт.

2-сектор фаолияти: таҳлил ва таққос

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан худудларда секторлар фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳоли вакиллари билан бевосита, узвий мулоқот тизимини жорий этиш, давлат идораларини янада халққа яқинлаштириш, одамлар турмуш фаровонлигини яхшилаш, амалдаги ислохотлар самарадорлигини оширишга имкон бермоқда.

Сурхондарё вилоятидаги 2-сектор фаолиятида

ҳам айна шу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги 2-секторнинг барча худудда жами 202 та маҳалла бўлиб, 748 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Вилоят прокуратураси органлари томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, "темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"га киритилган фуқароларнинг бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлашга доир амалий саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ
халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда



Ижтимоий йўналтирилган халқчил сиёсат

Аҳоли билан ишлашнинг энг самарали механизми, бу — халқ билан бевосита мулоқот бўлиб, у жамиятимиз ҳаётида туб ўзгариш ва янгиликларни яратиб бераётган асосларни яратиб бераётган. Сўнгги пайтдаги маҳаллабўй, фуқаробўй ишлаш услуби эса бу борадаги ишларимизга янги руҳ бағишлади. Бундай услубда ишлаш, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадоннинг масала, муаммоларини тўла ўрганиш, унинг ечимини излаш, камчиликларни бартараф этишга йўл очиб бермоқда. Урганиш жараёнида аниқланган муаммолар "йўл хариталари"да ўз аксини топиб, секторлар раҳбарлари томонидан унинг ижроси қатъий назоратга олинган.

Хусусан, худудлар инфратузилмасини яхшилаш, йўл, коммуникация тармоқларини барпо этиш, ижтимоий соҳа иншоотларида зарур шароитларни яратиб доимий эътиборимиз марказидадир. Олиб борилган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили прокурорлар секторига жойлашган 15 та ижтимоий соҳа иншооти, яъни 12 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та қишлоқ врачлик пункти, битта мактаб филиали жами 4,3 миллиард сўмлик ҳимойлар маблағлари эвазига тўлиқ таъмирланди.

Мисол учун Музработ туманида жойлашган 52-сонли, Узун туманида жойлашган 75-сонли қишлоқ оилавий поликлиникалари тўлиқ таъмирланиб, жорий йилнинг апрель ойида фойдаланиш учун топширилди.



Кумқўрғон туманидаги "Бобот" МФЙда яшовчи, боқувчисини йўқотган Махсуда Чориеванинг уй-жойи янгидан қуриб берилди.

«Кимки бир кўнгли бузқўннинг хотирин шод айлағай...»

Вилоятнинг шахар ва туманларида фаолият олиб бораётган 2-сектор худудида, энг аввало, аҳолининг эҳтиёжидан қатламни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яққа-ёғиз, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор ҳамда кам таъминланган фуқаролар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Шу билан бирга, яшаш учун яроқсиз, таъмирга муҳтож тураржойлар таъмирланмоқда, зарур бўлганда айрим уй-жой қайтадан бунёд этиляпти.

ритилган, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди бор Махсуда Чориеванинг эски уйи ўрнига шишқ гиштдан янги уй-жой қуриб берилди ва зарур уй-рўзгор жиҳозлари билан таъминланди.

Бу каби хайрли ишлар одамларни рози қилиш, турмуш тарзини яхшилаш, ўз ҳаётида шукроналик, бахтли, саодатли умргузаронлик қилиши учун замин яратмоқда, десак, асло муболаға бўлмайд.

Зеро, буюқ мутафаккир шоир Алишер Навоий ёзганидек: "Кимки кўнгли бузқўннинг хотирин шод айлағай, Олча борким, Қазба вайрон бўлса обод айлағай".

Уч бўғинли маҳаллабўй ишлаш тизими

Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар билан ишлашда секторлар фаолиятини маҳаллабўй ташкил қилишнинг самарали тизими яратиб берилди.

Шунга кўра вилоятда прокурорлар секторига ишлар фуқаробўй ва маҳаллабўй тизим асосида ташкил қилинган. Прокурорлар секторига тижорат банкларининг 193 нафар ходими доимий вакил этиб бириктирилди, иқтисодиёт комплексининг 86 нафар ходимидан иборат бўлган бошқарув офиси таркиби шакллантирилиб, уларнинг вазифалари аниқ белгиланди.

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини тасдиқлаш ва худуддаги масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш учун туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлигида мувофиқлаштирувчи гуруҳ тuzилиб, ишлар тизимли ҳал қилиниши йўлга қўйилган.

Маҳаллабўй ишлаш тизими асосида прокурорлар секторига маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари" — "драйвер"лари ҳамда мавжуд у ёки бу муаммолари аниқланди.

Бир мисол. Жарқўрғон туманидаги Авлод маҳалласининг "ўсиш нуқтаси" сифатида аҳоли хонадонларида деҳқончиликни ривожлантириш, жумладан, иссиқхонада булғор қалампир ва қарам етиштириш танлаб олинди. Ҳозир мақзуру маҳаллада 188 та хонадон деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Реал даромад олиш манбалари аниқ бу хонадонларда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлиги яхши. Таъбир жоиз бўлса, одамлар ўз меҳнатидан роҳат топаётган. Бу каби деҳқончилик

донининг 1 гектарида кўчатчилик ташкил этиш режалаштирилиб, айни пайтда ерларни текислаш ишлари амалга оширилмоқда.

Темир тартиб-қоидаларга амал қилинади

Прокурорлар секторига оғир моддий қийинчиликка учраган 58 минг 299 нафар аҳоли истиқомат қилаётган 13 минг 933 та оила "темир дафтар"га киритилиб, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликдан чиқариш чоралари қўрилди.

Бу борада амалга оширилган айрим ишлар ҳақида тўхталсак. Ҳозирги кунга қадар "темир дафтар"га киритилган 514 та оила то-



морқасида иссиқхона қуриб берилди. 202 та оилага 1 минг 294 бош чорва моли, 3 мингдан зиёд парранда, асалари қутиларидан 30 та олиб берилди.

Ишга жойлашишга муҳтож бўлган 14 минг 171 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 3 минг 856 нафар фуқаро тадбиркорликка жалб этилиб, имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ва фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди.

Натижада "темир дафтар"га киритилган 13 минг 294 та, яъни 95,4 фоиз оила халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори асосида камбағалликдан чиқарилди.

Айни чоғда ҳам уйма-уй юриш орқали сектор худудидидаги аҳоли муаммолари ўрганилиб, масъул идоралар билан ҳамкорликда барча масалани ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, бу йил айни пайтгача 180 та

га бириктирилди, "Устоз — шогирд" аънаси доирасида хунармандларга бириктирилди, 538 нафарига субсидия ажратилди. Ишсиз бўлган 142 нафар ёшнинг миграция орқали бандлиги таъминланган бўлса, 4 минг 6 нафар йигит-қизга ер майдонлари ажратиб берилди.

Шунингдек, "ёшлар дафтари"даги 1 минг 147 нафар ўғил-қизнинг ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммолари ҳал этилди.

Фаолиятимиз давомида асосий эътиборни ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўрни яратишга қаратмоқдамиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2-секторда 290 миллиард сўмлик 87 та лойиҳа ишга туширилиб, 889 та иш ўрни яратилди.

Шунингдек, прокурорларнинг ташаббусига кўра тижорат банклари билан ҳамкорликда жорий йилда ишга



тушадиган 250 та кичик лойиҳа шакллантирилди. Ушбу лойиҳалар ишга тушириш натижасида 166 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 885 та иш ўрни очиб режалаштирилган. Шу вақтга қадар ушбу лойиҳаларнинг 34 таси ишга туширилиб, 97 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, 1 минг 166 нафар ёшга 1 миллиард 835 миллион сўмлик субсидия ажратилди. Анор туманида "Бир маҳалла — бир мақсулот" тамойили асосида республика Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан "Ўжанқон томорқа хизмати" кооперацияси томонидан 2-сектор худудидида Каттақон маҳалласидаги 30 нафар эҳтиёжманд оилага субсидия асосида бир сотихли иссиқхоналар қуриб берилиб, бодирин плантацияси ташкил этилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳам доимий эътиборимизда. Бу йил ўтказилган маданий-маърифий тадбирда қарийб 2 минг нафар уюшмаган ёшлар қамраб олинди.

Жамиятнинг маданий қиёфаси аёлларга муносабатда намойён бўлади

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб турмуш кечирishi учун зарур шарт-шароитларни яратиш ишлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

Юртимизда аҳолининг турли қатламни қучи ижтимоий ҳимоялаш жараёнида "аёллар дафтари"нинг жорий қилиниши хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишда қўл келаётган. Вилоятнинг 2-сектор худудидида ўтказилган сўровномалар натижасида хотин-қизнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, 7 минг 489 нафари "аёллар дафтари"га киритилди. Олиб борилган амалий ишлар, чора-тадбирлар тўғрисида уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Айрим факт ва рақамларни келтириб ўтсак. Ўтган давр мобайнида "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг 1 минг 391 нафари ишга жойлаштирилди, 724 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 1668 нафарига кредит олиб берилди, 315 нафарига томорқасидан даромад олиши

Умуман, кенг қўламини ислохотлар жараёнида Сурхондарё вилоятидаги 2-сектор томонидан олиб борилаётган ишлар, аввало, одамларни рози қилиш, уларнинг дарду таъмирларини аритиш, жойлардаги муаммоларни бартараф этишдек эзгу максалга йўналтирилган. Бу йўналишдаги мақсад ва вазифалар тўлақонли бажарилиши асосида прокуратура органлари тобора халқ ичига қирлиб, одамлар орасида бўлиб, том маънода халқ прокуратурасига айланиб бормоқда. Мақсадиимиз — одамларнинг бугундан кўнгли тўлсин, турмуш фаровонлиги ошиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечирсин.

ушбу кўмаклашилди. Бундан ташқари, 293 аёлга ҳуқуқий, 213 нафарига психологик, 791 нафарига тиббий ҳамда 2 минг 84 нафарига бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Денов туманида "Зархон Денов чевар қизлари" ишлаб чиқариш кооперативи ташкил қилиниб, "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг бўш хонасида иш фаолиятини бошлаш учун тўлиқ шароит яратиб берилди. "Аёллар дафтари"даги 18 нафар, "ёшлар дафтари"га киритилган 12 нафар ишсиз хотин-қиз 2-сектор худудидидаги кооператив аъзолигига қабул қилиниб, тикувчилик йўналиши бўйича бандлиги таъминланди.

Ушбу ишлаб чиқариш кооперативи фаолиятини ривожлантириш, яъни ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш ва буюртма олиш учун Наманган шаҳридаги Даштбоб маҳалласида фаолият олиб бораётган кичик саноат зонасидаги "ZIVO-FAYZ TEKS" ҳамда "Жаннатмакон текстиль" МЧЖ билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

"Темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"га киритилган фуқароларга амалий ёрдам беришнинг энг самарали йўли уларни ишга жойлаштириб, доимий даромад манбаига эга қилишдир.

Маҳалла обод — юрт обод

Ўтган давр мобайнида прокурорлар ташаббуси билан вилоятдаги 5 та маҳалла биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинидан 20 таси давлат-хусусий шериклик асосида, 2 таси ҳомийлик, 3 таси маҳаллий бюджет ҳисобидан янгидан қурилмоқда. 51 таъмиртаб маҳалла биноларида 1 миллиард 972 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бандихон тумани прокурори секторидидаги "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини биносидан 95 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмиртирилган. Шу вақтга қадар ушбу лойиҳаларнинг 34 таси ишга туширилиб, 97 та иш ўрни яратилди.

Рости, бугунги кунда одамларнинг кайфияти кўп жиҳатдан коммунал хизматлар сифатида ҳам боғлиқ. Одамлар кўпроқ электр энергияси, ичимлик суви, йўл ва бошқа соҳаларда учраётган камчиликлардан норози бўлишадигани ҳам бор гап. Айни жиҳат инобатга олиниб, 2-сектор худудидида истиқомат қилувчи аҳолининг электр, газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш бошқа маънавий муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳам тизимли ишлар ташкил қилинган.

Айни мақсадда худудлардаги 367 та эски трансформатор жорий таъмирланди, 56 та янги трансформатор ҳамда 816 та электр устун ўрнатилди, 71,9 км. масофадаги электр симлари ва 124 та кўча чироғи янгиланди. Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш чоралари қўрилди.

Жорий йилда 2-сектор худудидида 191 та маҳалла, 694 та кўча, 347 та ижтимоий соҳа объекти ва 188 та қабристонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 22 та кўприк таъмирланди ва 4 таси янгидан қуриб берилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари прокурор назоратида

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратишга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан, 2021 йил январь — июнь ойларида 442 та тадбиркорга зарур амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бу жараёнда 486 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида 42 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, фаолиятини вақтинча тўқтатган ёки ишламаётган 68 та қорхона фаолияти тикланди, натижада 169 та иш ўрни яратилди.

Садриддин ТУРДИЕВ, Сурхондарё вилояти прокурори.



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ — ОЛИМПИА УЎЙНЛАРИ ЧЕМПИОНИ!

Бундан ташқари, Олимпия ўйинларининг ғолиб ҳамда совриндор бўлган спортчилари ҳам муносиб рағбатлантирилади. Жумладан, шу йилнинг 25 июнь кунин Президентимиз томонидан имзоланган "2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёғли Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокчилари таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган спортчиларимизга 200 000 АҚШ доллари, кумуш медал совриндорлари 100 000 АҚШ доллари, бронза медал соҳиблари 50 000 АҚШ доллари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти берилди.

Улугбек Рашитов дастлабки саралаш босқичида малилик Сейду Фоханани 38:17 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Чорак финал учун беллашувда жанубий корейлик номдор спортчи Ли Дэ Хунга қарши баҳс олиб бориб. Дастлабки раундда имкониятни бой берган Рашитов иккинчи ва учинчи раундларда устунлик қилди. Асосий вақт 19:19 ҳисобида якунланди. Баҳс тақдирини ҳал қилган "олтин зарба"да вакилимиз 2 очкони қўлга киритиб, чорак финалга йўл олди.

Рашитов чорак финалда эронлик Мирхосим Хоссаини-

дан 34:22 ҳисобида устун келди. Ярим финалда Босния ва Герцеговина вакили Недзад Хушиччи 28:5 ҳисобида мағлуб этди.

Финалда эса амалдаги жаҳон чемпиони Буюк британиялик Бредли Синденга қарши даврага чиқди. Ҳақиқатда мурасасиз курашларга бой бўлган беллашувда ҳамюртимиз 34:29 ҳисобини қайд этди ва олтин медалга сазовор бўлди.

Ғолиб спортчимиз юртимиз байроғини боши узра баланда кўтариб, майдон бўйлаб айланганида, шубҳасиз, телевизор қаршида ўтирган миллионлаб юртдошларимиз ҳам фахри оларни ҳис этгани рост. Буни "Баракалла, Улугбек!", "Раҳмат сенга, Улугбек!" деган олқишлардан ҳам билса бўлади.

Шу тарихда Улугбек Рашитов таэквондочиларимиз орасида Олимпия ўйинларида медал қўлга киритган илк вакилимизга айланди.

Ишонимизки, ғолиб спортчимизнинг XXXII ёғли Олимпия ўйинларида халқимизга улашган, элнинг қаддини, гуруҳ-ифтихорини тоғдек кўтарган музаффар оларнинг ҳовури бо-силмай туриб, юртимиз вакиллари мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини намойён этиб, яна галаба шухудаси, бахтиёр лаҳзалар шуқадаси тухфа этакча.

Фозилдин АБИЛОВ (Халқ сўзи).

Китоб кўнгилга нур бағишлайди

Шахс камолоти ва жамият раванглиги китоб мутолаасидан айри тасаввур этиш маҳол. Китобга нисбатан бефарқ, мутолаадан завқ олмайдиган кишилар энг бахтсиз одамлардир. Чунки улар ўзларини қанчалик "замонавий" деб ўйламасин, ёқасини ҳеч қачон жаҳолат панжасидан қутқара олмайди. Бу тоифа кишиларнинг кўпайиши жамиятни муқаррар таназзулга олиб келади. Шу боис ўзини ҳурмат қилган, эртанги кундан умиди бўлган миллат китобхонликка алоҳида диққат қаратади. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишни истаган давлат бунга ҳаёт-мамат масаласи деб қарайди. Зеро, мутолаа ақлни чархлайди, тафаккурни юксалтиради, кўнгилга нур бағишлайди.



лариди бўлиб, навойихонлик тadbир-лариди қатнашди. Бу корхоналарнинг ҳар бирида замон талаблари даражасидаги кутубхоналар ташкил этилиб, улардан турли соҳаларга доир ноёб китоблар, жумладан, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ноҳиди намуналари ўрин олгани, тўғриси, бизда ҳайрат уйғотди. Комбинатнинг юзлаб километр масофа ажратиб турган, мингларча одамлар меҳнат қилаётган корхоналарида яхлит жамоавий муҳит шаклланиши, иқтисодий кўрсаткичи кейинги йилларда бир неча баравар юқорилаб бораётгани сабабини англагандек бўлди. Бу натижалар комбинатнинг биринчи раҳбаридан муҳандис технологига, цех бошлигидан электр пайвандчига, чилангардан оддий ишчигача — деярли барчасида китобхонлик маданияти юқори экани, ўз савиясини ўстириш заруратини юракдан ҳис этгани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Демак, ўз ташкилотда интеллектуал савияси юқори, руҳияти бақувват ҳодимлар ишлашини истаган замонавий раҳбар уларни энг янги наشر этилган китоблар билан таъминлаш, мутолаа учун шартнош яратиш тўғрисида ҳам қайғурмоғи шарт.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида ўлкалаётган китобхонлик танловлари, турли ижодий мусобақалар, оммавий ахборот воситаларидаги мавзуга доир қишларнинг мунтазам тус олгани, худудларда олимлар ва ёзувчи-шоирлар иштирокида ташкил этилаётган китоб байрамлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари катта адабда чоп этилаётгани навқирон авлодда китобхонлик маданияти шаклланишида му-

Мушоҳада

Ўқимишли, китоб мутолаасини ҳаётининг ажралмас қисмига айлантира олган кишиларга жамият тараққиётига муносиб хизмат қилаётган эзгу ғояларни ишлаб чиқа олади, амалиётга татбиқ эта билади. Жамият аъзоларининг интеллектуал салоҳияти юксалишига, барча соҳада бирдоя ривожланишига эришмоқнинг бошқа йўли йўқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки кезлариданок китобхонлик маданияти ва

Қандай муаммолар мавжуд? Бу саволларга берилмайдиган жавоб жамиятнинг интеллектуал даражасини аниқлаш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш учун бениҳоя муҳим.

Аввало, ўтган давр мобайнида китоб нашр этиш савияси ва кўлами сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда аксар нашриётларда чоп этилаётган китобларнинг полиграфик сифати дунё стандартларига бемаълол жавоб бера олади. Дўкон ва

фаолиятида маълум бир тафовутлар йўқ эмас. Бир китобхон сифатида бу жиҳатдан "Академнашр" нашриётини бошқаларга ўрнатиб қилиб кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайман. Нашриёт директори Санжар Назар ўзбек ва дунё адабиётини мунтазам мутолаа этиб, фикр билдириб борадиган фаол мунажжид сифатида ҳам муносиб эътирофга эга. Бугунги китобхон талаб ва эҳтиёжларини, қай асарни, қанча адабда нашр этиш, қайси олимлар ёки шоир адиблар китобларини танлаш зарурлигини яхши билади. Ҳам дизайн, ҳам мазмун жиҳатидан интеллектуал китобхон эҳтиёжига жавоб бера оладиган асарларни чоп этаётгани учун ҳам бу нашриёт махсуслотларига китоб бозорига талаб катта. Бундай нашриётлар сони тобора кўпаяётгани китоб нашр қилиш борасида эришилган натижалар қувонарли экани исботидир.

Яна бир муҳим масала — китоб тарқатиш тизимини йўлга қўйиш ҳозирги бозор ислохотлари доирасида аниқлаш мумкин экани сир эмас. Бу борада муайян натижаларга эришмоқ учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси куйинмоғи, амалий қадамлар қўймоғи зарур. Замондошларимиз орасида ана шундай одамларнинг борлиги кўнгилни қувонтиради. Бу йил мамлакатимиздаги навойихонлик тadbирларини биринчи бўлиб Навойи кон-металлургия комбинати бошлаб берди. Комбинат раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов ҳар қандай ташкилотда иқтисодий кўрсаткичнинг юқори бўлиши учун маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тизими мукамал йўлга қўйилишини зарур деб билади. Биз комбинатнинг Мурунгов, Зафаробод, Зарафшон ва Учқудуқдаги корхона-



китоб мутолааси масаласига алоҳида диққат қаратиб келаётганининг сабаби шунда.

Юртбошимиз 2017 йили китоб махсуслотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш билан боғлиқ икки тарихий ҳужжатни — 2017 йил 12 январда алоҳида фармойишни, ўша йили 13 сентябрда махсус қарорни имзолагани маълум. Ўтган давр мобайнида айни масалада қандай натижаларга эришилди? Қўлга киритилган ютуқлар нималардан иборат?

расталардаги турфа китобларни кўриб, кўз қувонади. Аввалгидек бирор варақлагандаёқ титилиб кетадиган, саргимтил газета қоғозига чоп этилган китоблар деярли учрамайди. Полиграфия соҳасида муайян натижаларга эришганимиз рост. Мазмунчи? Матнинг имло ва услуб жиҳатидан мукамаллиги-чи? Авлод тарбиясига, ўқувчининг дунёқарашига, интеллектуал-ахлоқий қиёфасига таъсир этувчи бу каби муҳим меъсонларга жавоб берадими бугун нашр этилаётган китоблар? Табиийки, бу борада нашриётлар

Бугун янги Ўзбекистон ўз олдига учинчи Ренессанс деган улуг мақсадни қўйиб, шу йўлда дадил қадам ташлаётди. Албатта, бутун жамиятнинг сафарбарлигини ва кўп муддатни талаб қилмайдиган бу гоёни биринчи йилда амалга ошириб бўлмайди. Лекин ўз олдига катта мақсадларни қўймаган шахс ҳам, юксак ғояларни амалга оширишга интилмаган жамият ҳам тараққиётдан ортада қолиши муқаррар. Шу боис Президентимиз томонидан жамиятни мунтазам олга интилишга, юксалишга давлат этувчи бундай гоёнинг ўртага қўйилгани ҳаётини эҳтиёт тақозосидир. Бу улугвор гоёни амалга ошириш учун ҳам келажакимиз ташвиш ва суянчи бўлган ёш авлод китобга муҳаббат қўйиши, жамиятда китобхонлик маданияти юксак даражага кўтарилмоғи зарур. Зеро, тараққиётга фақат юксак интеллектуал орқалигина эришиш мумкин.

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЖ КЎМАГИ ЭНГ МУҲИМ СОҲАЛАР РИВОЖИГА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛАЙТИР

"Ўзмиллийбанк" АЖ иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида кўплаб йирик истиқболли лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. Бунда фақатгина иқтисодий манфаат эмас, балки мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорлик мақсадлари ҳам устуворлик касб этади.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг кенг ривожланиши нафақат тadbиркорлар фаолиятида, балки фуқароларнинг фаровон яшашида ҳам ижобий акс этади. Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, "Ўзмиллийбанк" акциядорлик жамияти бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда.



Молия муассасаларида

Масалан, 2021 йилда "Ўзмиллийбанк" АЖ тижорат банкларининг 28 та йирик ва ўрта шахарлардаги сайёҳлик, транспорт, тиббий ва таълим объекти, йирик савдо мажмуаларини ташкил этишга оид лойиҳаларни қайта молиялаштириши учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этаётди.

Ҳақиқатан ҳам, тиббиёт ва таълим — хизмат кўрсатиш соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Келинг, кўйида "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан юқоридаги ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ушбу соҳаларни ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилганига бир кур назар ташласак.



учун 2,6 миллиард сўм миқдорига кредит ажратди. Бунинг самарасида "Urologic complex" тиббиёт марказига Ўзбекистонда муқобили йўқ жарроҳлик амалиёти ўтказиш ва ташхис қўйиш ускуналари келтирилди.

Айни пайтда бу ердаги шифокорлар энг кам жарроҳлик аралашуви билан мураккаб амалиётларни бажармоқда. Янада эътиборлиси, ажратилган кредит маблағлари аҳоли учун муҳим масала — иш ўринлари яратишга хизмат қилди. Янги корхонада 20 та иш ўрни яратилди.

Тиббиёт марказининг юқори малакали шифокорлари ҳар бир бемор учун энг самарали даво усулларини қўлашди. Беморлар шифохонада стационар даволаниши учун барча қулайликка эга замонавий палаталар ташкил этил-

Таълим ва тарбия — бутун жамиятнинг иши

Бугунги тараққиётимизнинг янги босқичида мамлакатимизда таълим соҳасида изчил ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, таълимда давлат сектори билан бир қаторда, хусусий секторнинг ривожланиши учун шарт-шароитларнинг яратилаётганлиги ёш авлоднинг пухта ва сифатли билим олиши йўлидаги энг тўғри қарор ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, "Ўзмиллийбанк" АЖ ҳам таълим тизимини янада ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзининг муносиб хиссасини қўшишга ҳаракат қилаётди.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "Wise school" МЧЖ 2017 йилда ташкил этилган. У нодавлат таълим муассасасини йўлга қўйиш мақсадида кўчмас мулк харид қилиш учун "Ўзмиллийбанк" АЖдан 10 миллиард сўм миқдорига кредит олган эди.

Бугунги кунда мазкур лойиҳа асоси-

Банк ахборот хизмати.

да барпо этилган хусусий мактаб болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши йўлида самарали хизмат қилмоқда.

"Wise School" таълим муассасаси дарсларни умумтаълим дастурига кўра олиб боради. Шунингдек, таълим дарғоғи абитуриентларни олий ўқув юртиларига ҳам тайёрлайди, турли тўғрақлар ва спорт секциялари орқали ўқувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва жисмоний қўникмаларини ривожлантиради.

Мактабда уч маҳал оқватланиш, бепул тиббий кўрик ташкил этилган. Болалар психолог ва логопед хизматларидан фойдаланилади.

Муассаса кенг ва ёруғ синфхоналарга эга, замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган. Ҳар бир синфхона 20 нафаргача ўқувчига мўлжалланган. Спорт машғулоти ва ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тегишли майдончалар, зал ҳамда спорт ҳавзаси ишлаб турибди.

Бугунги кунда давлатимиз кўмаги ва "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ажратилаётган кредитлар мамлакатимизда аҳоли учун тиббий хизмат ва фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида имконият эшикларини кенг очганлиги билан эътиборга молик.

Хизматлар лицензияланган.

мий қиймати 1,2 миллион АҚШ долларига тенг.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги қарорига кўра тижорат банкларида Тикланиш ва тараққиёт жанрларидан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 300 миллион АҚШ долларига тенг кредит линиясини очиш юклатилган.

Маҳаллий клиникалар учун замонавий ускуналар

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги "Urologic complex" МЧЖ тиббиёт маркази 1997 йилда ташкил этилган. Муассаса урология, гинекология, андрология ва онкология хасталиқларини аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволашга ихтисослаштирилган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ МЧЖга Германиядан тиббий ускуналарни харид қилиш

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Табриқнинг келган қўғамлар тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сифатланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-4784